

8-1-2019

## ABOUT THE DEFERENCE OF THE CONCEPTS “PENSION” AND “BENEFIT”

Shavkat Khamdamov  
*Tashkent Financial institute*

Hamidulla Kholiqulov  
*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Khamdamov, Shavkat and Kholiqulov, Hamidulla (2019) "ABOUT THE DEFERENCE OF THE CONCEPTS “PENSION” AND “BENEFIT”," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 9.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss4/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **ABOUT THE DEFERENCE OF THE CONCEPTS “PENSION” AND “BENEFIT”**

The article examines the nature and content, features of the concepts of "pension" and "benefit". An independent author's position on their differences is stated and scientific conclusions are formed.

**Key words:** pension, benefit, old-age benefits, old-age pensions, work experience, insurance, wages, individual earnings ratio, pension fund, state budget.

Today, in practice, in our daily lives, concepts such as pension and benefit are common. The phrases like «I am in retirement», "I am a pensioner", "my pension has been so much money", "my pension has not been given yet," and "got my pension" have come in our lives in their own ways. In mass media, newspapers, websites, these two terms are used equally, in most cases "benefit" is confused with «pension", and vice versa.

D. Rustamov's dissertation on financial sustainability of pension system in Uzbekistan Scientific recommendations and practical recommendations designed to ensure financial sustainability of the Pension Fund:

It was proposed to ensure equal participation of pension funds in the formation and use of income, irrespective of their sex and their professional activities in ensuring the sustainability of the pension fund income;

It has been proposed to increase the length of the minimum work record required for the retirement pensions to 5 to 7 years in accordance with the requirements of the International Labor Organization in order to ensure the relationship between the retirement age and the length of the employee's employment;

Improving the practice of appointing and paying pensions by establishing a mechanism for keeping records of internships accumulated by citizens of the Republic of Uzbekistan under labor contract for the calculation of length of service in the process of claiming pensions on preferential terms and pensions;

Application of measures to encourage the participation of citizens in the voluntary pension system in foreign social insurance schemes and the application of equity of financial participation of the generations in the process of reforming the pension system of Uzbekistan.

According to the existing legislation, in particular, according to the Provision "On the order of appointment and payment of state pensions" approved by the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated September 8, 2011 № 252<sup>1</sup> "Pension - the right to receive it is defined in accordance with the conditions such as old age, disability, or loss of breadwinner, and norms established by the Law."The National Encyclopedia of Uzbekistan defines "pensions as a form of social insurance, in which citizens are entitled to regular and generally lifelong payments by government or other entities in cases specified by law" According to Article 7 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On the state

---

<sup>1</sup>Vaxabov A.V. et al. Foreign experience of pension system development. Textbook. - Tashkent: Economics and Finance, 2018. - 400 b.

pension provision of citizens" as of September 3, 1993, men are eligible for retirement at the age of 60 years and at least 25 years of work experience, while women reach 55 years of age with at least 20 years of work experience. At the same time, according to Article 8 of this law, persons who do not have enough work experience to qualify for old age pensions are appointed in proportion to existing internships if they have at least 7 years of work experience. So, not less than 7 years of service, pensions assigned to all of the citizens of retirement age. It should be noted that according to the legislation there are three types of pensions namely old age, disability and survivor's.

The National Encyclopedia of Uzbekistan defines "benefit as financial aid and given by the state, enterprise, institution and individual to people when they are in need of help." In contrast to the old age pensions in the Republic of Uzbekistan, retirement benefits are provided by the state primarily for temporary disability, pregnancy and childbirth, funeral, unemployment, dismissal, and the loss of the breadwinner. According to the Provision "On the order of appointment and payment of allowances to elderly and disabled citizens without the required retirement age", approved by the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated April 7, 2011 № 107<sup>2</sup>, there are types of benefits like age related, loss of the breadwinner and disability. Age related benefit is given to individuals who have not reached retirement age or have less than 7 years of work experience, at the age of 65 for men and 60 for women. Importantly, the age-related benefit is not assigned to people who have a paid job or other source of income (except for alimony or scholarships). This means that retirement benefits are financial aid which are given for special conditions of people.

As mentioned above, if a person at the retirement age does not have the required work experience, but at least 7 years of work experience, an incomplete of old age pensions will be assigned proportionately to the work experience. The incomplete age related pensions must be no less than 50 per cent of the minimum age related pension. The minimum age-related pension is 396500 UZS as of January 1, 2019. The size of the pension depends, first of all, on the size of the average monthly wage, length of work experience, and the amount of insurance premiums. The amount of benefit is set in strict terms in accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on increasing salaries, pensions, scholarships. However, not all types of benefits are determined in strict terms. For example, the age-related benefit is determined in strict limits and the men at the age of 65, and women at the age of 60 are eligible to get it when they do not have enough work experience (at least 7 years) and the age-related benefit is 243300 UZS as of January 1, 2019. In addition, one-time benefit for childbirths are also paid in the amount of two-fold minimum monthly wage established in the territory of the Republic of Uzbekistan, which is fixed in strict amounts and nowadays it is 405460 UZS per child. The state social insurance benefits depend on the actual wages of the employee. For example, temporary disability, maternity and childbirth benefits are always calculated using the actual earnings of the employee.

---

<sup>2</sup> National Encyclopedia of Uzbekistan. - Tashkent State Scientific Publishing House. Letter P. 158-p.

**Хамдамов Шавкат Комилович**  
**ТМИ, катта ўқитувчиси**  
**Xoliqov Hamidulla Vaydulla o'g'li**  
**ТМИ, magistratura bo'limi**  
**1-kurs magistranti**

## **“ПЕНСИЯ” ВА “НАФАҚА” ДЕФЕРЕНЦИАЦИЯСИ ХУСУСИДА**

Мақолада “пенсия” ва “нафақа” тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилган. Уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари юзасидан мустақил муаллифлик позицияси баён этилган ва илмий ҳулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** пенсия, нафақа, ёшга доир пенсия, ёшга доир нафақа, меҳнат стажи, суғурта, иш ҳақи, иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффициенти, Пенсия жамғармаси, Давлат бюджети.

### **О ДЕФЕРЕНЦИИ ПОНЯТИЙ “ПЕНСИЯ” И “ПОСОБИЕ”**

В статье изучены сущность и содержание, особенности понятий «пенсия» и «пособие». Изложена независимая авторская позиция по их различиям и сформированы научные выводы.

**Ключевые слова:** пенсия, пособие, пенсии по возрасту, пособие по возрасту, трудовая стаж, страхование, заработная плата, индивидуальный коэффициент заработка, Пенсионный фонд, Государственный бюджет.

### **КИРИШ**

Бугунги кунда амалиётда, кундалик ҳаётимизда пенсия ва нафақа каби тушунчалар кенг қўлланилмоқда. Мен “пенсиядаман”, “нафақадаман”, “нафақахўрман”, “нафақам фалон сўм бўлибди”, “пенсиямни ҳали беришмади”, “нафақамни олдим” каби атамалар ҳаётимизга ўзига хос тарзда кириб келмоқда. Оммавий ахборот воситалари, интернет сайтларида бу икки атама ҳам қўлланилмоқда, кўп ҳолларда эса “пенсия” ўрнига “нафақа” айрим ҳолларда уни акси қўлланилмоқда.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида: “пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим”лиги, “пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур”лигини [1] алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Жамиятда мазмун-моҳият жиҳатдан бир маъно ва мазмунда қўлланилаётган мазкур икки атама ҳақиқатда ҳам бир хил мазмунни ифодалайдими? Моҳият жиҳатдан бир хилми? Ёки икки тушунча бир-биридан тубдан фарқ қиладими? Уларни оммавий ахборот воситаларида маъно-мазмун жиҳатдан тенг қўллаш мумкинми? Қуйида шу саволларга қонун ҳужжатлари ва бошқа манбаларга таянган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

## **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Пенсия ва нафақаларга турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, профессор В.Роикнинг илмий ишларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий институти ҳисобланган ижтимоий суғурта тизими, ижтимоий суғуртанинг молиявий-иқтисодий асослари, ишсизлик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ижтимоий, тиббий ва пенсия суғуртасининг замонавий институтларини шакллантириш каби масалалар тадқиқ қилинган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ижтимоий, тиббий ва пенсия суғуртасининг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши асослаб берилган. [2]

А.П.Шеметов ва С.Н.Орловларнинг илмий хулосаларига кўра, демографик ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий пенсия таъминотининг янги тизимини яратиш ва унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги илгари сурилган. Олимнинг фикрича, хориж тажрибаларига таяниб, пенсия таъминоти механизмининг алоҳида элементини – касбий жамғариб бориладиган пенсияни шакллантириш керак. Лекин, илмий тадқиқот ишларида ижтимоий нафақалар назардан четда қолган. [3]

Г.Касимова ва Д.Шолдоронинг илмий ишларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида пенсия таъминотининг ўрни ва аҳамияти, пенсия таъминотида молиявий ресурсларнинг хавфсизлиги ва рисклар, пенсия таъминоти маблағларини инвестициялашда рискларни бошқариш ҳамда пенсия таъминоти маблағларини самарали бошқариш масалалари ёритиб берилган. [4]

Д.Рустамовнинг Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига бағишланган диссертация ишида Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. [5]

– Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлашда фуқароларнинг жинси ва алоҳида касбий фаолиятларидан қатъий назар пенсия жамғармалари даромадларини шакллантириш ва фойдаланишда тенг иштирокини таъминлаш таклиф этилган;

– пенсия миқдори билан ходимнинг меҳнат стажи давомийлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш мақсадида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажи давомийлигини Халқаро меҳнат ташкилоти талабларига мувофиқ 5 йилдан 7 йилга ошириш таклиф этилган;

– пенсияни имтиёзли шартларда олиш ва пенсия олишга даъвогарлик қилиш жараёнида меҳнат стажини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат шартномаси бўйича хорижда тўплаган меҳнат стажини ҳисобга олиш механизмининг йўлга қўйиш орқали пенсияларни тайинлаш ва тўлаш амалиёти такомиллаштирилган;

– хорижий мамлакатларнинг ижтимоий суғурта тизимида фуқароларнинг ихтиёрий пенсия тизимидаги иштирокини рағбатлантириш чораларини қўллаш ва авлодлар молиявий иштироки эквивалентлигини таъминлаш амалиётини Ўзбекистон пенсия тизимини ислоҳ этиш жараёнида қўллаш асосланган.

А.Вахабов ва бошқалар иштирокидаги тадқиқотларда пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятлари тавсифланган ва таснифланган, пенсиянинг ижтимоий таъминот тизимидаги роли очиб берилган, жаҳондаги пенсия тизимларини ислоҳ этиш моделлари ва пенсия таъминотини ривожлантириш тажрибаси, ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари пенсия тизимларини ислоҳ этиш йўллари баён қилинган. [6]

Аммо, юқорида келтирилган илмий тадқиқот ишларида пенсия ва нафақа тушунчаларининг мазмун-моҳияти, хусусиятларива амалиётда қўлланилиши нуқтаи назаридан аниқ бир фикрлар ва тақлиф-тавсиялар келтирилмаган.

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори [7] билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, “пенсия – уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови”ни англатади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “пенсиялар латинча pensio– тўлов маъносини ифодалаб, фуқароларга давлат ёки бошқа субъектлар томонидан қонунда белгиланган ҳолларда мунтазам ва, одатда, умрбод тўланадиган тўловлар” [8] сифатида тавсифланиб, ижтимоий таъминот шакли эканлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар эса – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Шу билан бирга, ушбу қонуннинг 8-моддасига кўра, пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камида 7 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади. Демак, пенсиялар иш стажи 7 йилдан кам бўлмаган барча пенсия ёшига етган фуқароларга тайинланади. Таъкидлаш жоизки, қонунчиликка мувофиқ пенсиянинг ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик турлари мавжуд.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “нафақа – мухтож одамларга давлат, корхона, муассаса ва айрим шахслар томонидан бериладиган ёрдам пули” сифатида тавсифланган. Ўзбекистон Республикасида меҳнат стажига кўра бериладиган пенсиядан фарқли ҳолда нафақа давлат томонидан, асосан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, бола туғилганда, дафн этиш маросими учун, ишсизлик, ишдан бўшатиш, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган, ёшга доир, ногиронлик (болалиқдан ногиронлардан ташқари) ва боқувчисини йўқотганлик нафақалари берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли қарори [9] билан тасдиқланган “Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом кўра,



нафақанинг ҳам ёшга доир, ногиронлик (болаликдан ногиронлардан ташқари) ва боқувчисини йўқотганлик турлари мавжуд бўлиб, ёшга доир нафақаниш стажига эга бўлмаган ёки 7 йилдан кам иш стажига мавжуд бўлган ҳолларда эркакларга – 65 ёшга етганларида ва аёлларга – 60 ёшга етганларида тайинланади. Муҳими, ҳақ тўланадиган иш бажараётган ёки бошқа даромад манбаига эга бўлган (алиментлар ёки стипендиялар олиш бундан мустасно) шахсларга ёшга доир нафақа тайинланмайди. Бу эса нафақанинг, юқорида таъкидлаганимиздек, ёрдам пули эканлигини ифодалайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, пенсия ёшига етиб, зарурий иш стажига эга бўлмаган тақдирда, лекин камида 7 йиллик меҳнат стажи мавжуд бўлса, бор стажига мутаносиб равишда тўлиқсиз миқдорда ёшга доир пенсия тайинланади. Тўлиқсиз ёшга доир пенсиянинг миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Ёшга доир энг кам пенсиянинг миқдори 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 396500 сўмга тенг. Пенсиянинг миқдори, аввало, фуқаронинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдorigа, меҳнат стажи давомийлигига ва тўлаган суғурта бадаллари миқдorigа боғлиқ бўлади. Нафақа эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларини ошириш тўғрисидаги Фармонларига мувофиқ қатъий миқдорларда белгиланади. Лекин, ҳамма нафақа турлари ҳам қатъий миқдорларда белгиланмайди. Масалан, ёшга доир нафақа қатъий миқдорларда белгиланиб, эркаклар 65 ёшга етганда, аёллар эса 60 ёшга етганда ҳамда иш стажи 7 йилдан кам бўлганда тайинланади ва ёшга доир нафақанинг миқдори 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 243300 сўмга тенг[10]. Шунингдек, бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдorigа берилади, яъни бу ҳам қатъий миқдорларда белгиланган бўлиб, бугунги кунда унинг миқдори битта фарзанд учун 405460 сўмни ташкил қилади. Давлат ижтимоий суғурта бўйича айрим нафақалар ходимнинг ҳақиқий иш ҳақи миқдorigа боғлиқ бўлади. Масалан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. [11]

Биз, ушбу мақолада фуқаро М.Назаровнинг ёшга доир пенсиясини ҳисоблаш ва тайинлашни мисол асосида тушунтирамиз. Хусусан, 2011-йил 8-сентябрда тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқамиз. Фуқаро М.Назаров 2019 йил 12 апрелда 60 ёшга тўлгач, пенсия тайинлаш учун мурожаат қилди ва унинг охириги ўн йил мобайнида меҳнат фаолиятининг 5 йиллик даври учун 2015 йил май – 2019 йил апрел ойлари танланди. Пенсия тайинланишидан олдинги 12 ой учун ўртача энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини аниқлаймиз:  $(172240 * 2) + (184300 * 4) + (202730 * 6) / 12 = (344480 + 737200 + 1216380) / 12 = 2298060 / 12 = 191505$  сўм.

Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар асосида (маълумотнома бўйича) иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффициентларини ва ҳар бир ой учун ҳисоблаб чиқилган иш ҳақини аниқлаймиз:

**1-жадвал**

**Фуқаро М.Назаровнинг пенсия миқдорини аниқлаш тартиби<sup>3</sup>**

Даврлар	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдори	Пенсияларни ҳисоблаш учун қўлланиладиган иш ҳақи	Иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффициент и	Ўртача энг кам ойлик иш ҳақи миқдори	Қайта ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи
1	2	3	4 (3/2)	5	6 (4*5)
<b>2015 йил</b>					
Май	130240	520000	3,9926	191505	764608,42
Июн	130240	520000	3,9926	191505	764608,42
Июл	130240	520000	3,9926	191505	764608,42
Август	130240	750000	5,7586	191505	1102800,60
Сентябр	130240	520000	3,9926	191505	764608,42
Октябр	130240	680000	5,2211	191505	999872,54
Ноябр	130240	680000	5,2211	191505	999872,54
Декабр	130240	680000	5,2211	191505	999872,54
<b>Жами:</b>					<b>7160851,89</b>
<b>2016 йил</b>					
Январ	130240	730000	5,6050	191505	1073392,58
Феврал	130240	730000	5,6050	191505	1073392,58
Март	130240	730000	5,6050	191505	1073392,58
Апрел	130240	730000	5,6050	191505	1073392,58
Май	130240	980000	7,5246	191505	1440992,78
Июн	130240	730000	5,6050	191505	1073392,58
Июл	130240	730000	5,6050	191505	1073392,58
Август	130240	730000	5,6050	191505	1073392,58
Сентябр	130240	730000	5,6050	191505	1073392,58
Октябр	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Ноябр	149775	860000	5,7419	191505	1 099 611,42
Декабр	149775	860000	5,7419	191505	1 099 611,42
<b>Жами:</b>					<b>13326967,70</b>
<b>2017 йил</b>					
Январ	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Феврал	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42

<sup>3</sup>О‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 8-sentyabrdagi 252-sonli qarorining 1-ilovasi bilan tasdiqlangan “Davlat pensiyalarini tayinlash va to‘lash tartibi to‘g‘risida”gi Nizomga asosan mustaqil tuzib chiqildi.



Март	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Апрел	149775	1100000	7,3443	191505	1406479,72
Май	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Июн	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Июл	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Август	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Сентябр	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Октябр	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Ноябр	149775	860000	5,7419	191505	1099611,42
Декабр	172240	1300000	7,5476	191505	1445404,67
<b>Жами:</b>					<b>13847998,56</b>
<b>2018 йил</b>					
Январ	172240	1300000	7,5476	191505	1445404,67
Феврал	172240	1300000	7,5476	191505	1445404,67
Март	172240	1300000	7,5476	191505	1445404,67
Апрел	172240	1800000	10,4505	191505	2001329,54
Май	172240	1300000	7,5476	191505	1445404,67
Июн	172240	1300000	7,5476	191505	1445404,67
Июл	184300	1600000	8,6815	191505	1662550,19
Август	184300	1600000	8,6815	191505	1662550,19
Сентябр	184300	1600000	8,6815	191505	1662550,19
Октябр	184300	1600000	8,6815	191505	1662550,19
Ноябр	202730	1750000	8,6322	191505	1653103,88
Декабр	202730	1750000	8,6322	191505	1653103,88
<b>Жами:</b>					<b>19184761,40</b>
<b>2019 йил</b>					
Январ	202730	1750000	8,6322	191505	1653103,88
Феврал	202730	2100000	10,3586	191505	1983724,66
Март	202730	1750000	8,6322	191505	1653103,88
Апрел	202730	1750000	8,6322	191505	1653103,88
<b>Жами:</b>					<b>6943036,30</b>
<b>Ҳаммаси:</b>					<b>60463615,85</b>
<b>Пенсияни ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи:</b>					<b>1007726,93</b>
<b>Пенсиянинг базавий миқдори:</b>					<b>554249,81</b>
<b>Ортиқча иш стажи - жами 8 йил</b>					<b>80618,15</b>
<b>Пенсия миқдори:</b>					<b>634867,97</b>

Жадвал маълумотларидан кўринадики, фуқаро М.Назаровнинг пенсия миқдори 634867,97 сўмни ташкил қилган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, пенсия миқдори пенсиянинг базавий миқдоридан, иш стажи учун пенсия оширилишидан ва пенсияга устама ҳақлардан шаклланади. Фуқаро М.Назаровнинг жами меҳнат стажи 33 йилни (қонун бўйича 25 йил талаб этилади) ташкил қилади. Демак, М.Назаровнинг 8 йиллик ортиқча иш стажи мавжуд бўлиб, ҳар бир ортиқча иш стажи учун пенсияни ҳисоблаш учун қабул

қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи (1007726,93) нинг 1 фоизи (10077,26\*0,8=80618,15 сўм) миқдорида кўшиб берилади.

Умуман олганда, фуқароларнинг пенсия миқдори, энг аввало, уларнинг пенсияга чиқиш олдидан сўнгги 5 йил давомида олган иш ҳақи миқдори ҳамда меҳнат стажининг давомийлигига боғлиқдир. Нафақанинг айрим турлари эса қатъий миқдорларда, айримлари ҳақиқий иш ҳақига боғлиқ ҳолда белгиланади.

## **ХУЛОСАЛАР**

Демак, хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

– пенсия жамият аъзосининг жамиятдаги меҳнат фаолиятида иштирок этганлиги учун берилади, яъни фуқаро меҳнат қилиб, тегишли меҳнат стажига эга бўлиб, тегишли пенсия бадалларини тўлаганлиги учун унга ва оила аъзолари учун белгиланган ҳуқуқдир. Нафақа эса моддий жиҳатдан муҳтож бўлганлар учун давлат томонидан бериладиган моддий кўмақдир;

– пенсиялар, фуқароларга пенсия олиш ҳуқуқи юзага келганда унинг моддий аҳволидан қатъий назар тайинланади, нафақа эса шахснинг моддий муҳтожлигини ва ижтимоий ҳолатини инобатга олган ҳолда тайинланади ва тўланади;

– пенсия пенсия ёшига етган фуқароларга иш стажи даври, ойлик иш ҳақи ва Пенсия жамғармасига тўлаган суғурта бадаллари миқдоридан келиб чиқиб тайинланади. Нафақа эса қатъий миқдорларда белгиланади, айрим нафақа турлари иш ҳақи миқдorigа ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади;

– пенсия олиш ҳуқуқи эркакларда 60 ёшга тўлганда ва меҳнат стажи 25 йил, аёлларда эса 55 ёшга тўлганда ва меҳнат стажи 20 йил бўлганда юзага келади, бироқ меҳнат стажи 7 йилдан кам бўлиши мумкин эмас. Нафақа эса зарур иш стажига эга бўлмаган ёки 7 йилдан кам меҳнат стажи мавжуд бўлган фуқароларга – эркаклар 65 ёш, аёллар эса 60 ёшга тўлганларида тайинланади. Демак, пенсия нафақадан меҳнат стажи ва ёши жиҳатидан ҳам фарқланади;

– нафақанинг ёрдам пули сифатида ифодаланиши кундалик ҳаётимизда унинг олувчиларини “нафақахўр” деб аталишига олиб келди. Бу эса, қайсидир маънода, нафақа олувчини камситиш (текинхўр каби) сифатида қаралади. Шунинг учун “нафақахўр” эмас, балки “нафақа олувчи” деб аталиши зарур. Пенсия олувчини эса пенсионер деб аташ ўринли;

– пенсиялар фуқароларга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан, нафақа эса давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

## **ТАКЛИФЛАР**

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидагиларни тақлиф сифатида келтириш мумкин:

– “Пенсия” ва “нафақа” тушунчалари ўртасидаги фарқларни аниқлаштириш, уларни тўғри қўллашда пенсия ва ижтимоий нафақалар таъминотининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш соҳасида тўғридан-тўғри таъсир этувчи нормаларга эга бўлган, уларнинг ижтимоий

аҳамиятини аниқ ифодалашга йўналтирилган “Ижтимоий таъминот” кодексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

– “Ижтимоий таъминот” кодексида “Пенсия” ва “нафақа” тушунчаларини аниқлаштириш;

– “Пенсия” ва “нафақа” тушунчалар ўртасидаги фарқларни матбуотда, оммавий ахборот воситаларида, ўқув машғулотларида, учрашувларда, конференцияларда, мастер-классларда ушбу тушунчаларни тўғри қўллаш бўйича кўрсатмалар бериш мақсадга мувофиқдир.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 28.12.2018.
2. Роиқ В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – 352 с.
3. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с.
4. Касимова Г., Шолдоров Д. Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш. Монография. – Т.: “ТМИ”, 2017. – 225 б.
5. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. – 200 б.
6. Вахабов А.В. ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2018. – 400 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сонли қарори.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, Давлат илмий нашриёти. П ҳарфи. 158-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 107-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони.
11. “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

